**«ТАСДИҚЛАНГАН»**
“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ ягона акциядорининг
2024 йил «8» ноябрдаги
5-2024 - сон қарорига
2-илова

**«МАЪҚУЛЛАНГАН»**
“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ Кузатув кенгашининг
2024 йил «2» октябрдаги
9/24 - сон йиғилиш баёнига
8-илова

**«КИРИТИЛДИ»**
“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ Ижроия органи

# “ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

Тошкент – 2024 йил

---

**«УТВЕРЖДЕНО»**
Приложение - 2
к решением единственного акционера
АО «Компания по развитию предпринимательства»
от «8» ноябрь 2024 года №5/2024

**«ОДОБРЕНО»**
Приложение - 8
к протокола собрания Наблюдательный совет АО «Компания по развитию предпринимательства»
от «2» октябр 2024 года №9/24

**«ВНЕСЕНО»**
Исполнительный орган АО «Компания по развитию предпринимательства»

# ПОЛОЖЕНИЕ О НАБЛЮДАТЕЛЬНОМ СОВЕТЕ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «КОМПАНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА»

Ташкент - 2024 год

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| ***Раздел I.<br>Общие положения*** | ***I - бўлим.<br>Умумий қоидалар*** |
| 1.1. Настоящее положение разработано в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», уставом АО «Компания по развитию предпринимательства» (далее по тексту – Общество) и определяет статус, функции, права (полномочия) и обязанности Наблюдательного совета Общества, порядок избрания её членов и их работы. | 1.1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ (матн бўйича Жамият) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгаши мақомини, функцияларини, ҳуқуқларини (ваколатларини) ва мажбуриятларини, унинг аъзоларини сайлаш ва уларни ишлаш тартибини белгилаб беради. |
| ***Раздел II.<br>Функции и компетенция<br>Наблюдательного совета*** | ***II-бўлим.<br>Кузатув кенгашининг<br>функциялари ва ваколатлари*** |
| 2.1. К компетенции Наблюдательного совета Общества относится: | 2.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: |
| 2.1.1. определение приоритетных направлений деятельности Общества с регулярным заслушиванием отчета Директора Общества о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Общества; | 2.1.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Директорининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; |
| 2.1.2. созыв годовых и внеочередных общих собраний акционеров, за исключением случаев, предусмотренных частью одиннадцатой статьи 65 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»; | 2.1.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно; |
| 2.1.3. подготовка повестки дня общего собрания акционеров; | 2.1.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш; |
| 2.1.4. определение даты, времени и места проведения общего собрания акционеров; | 2.1.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш; |
| 2.1.5. определение даты формирования реестра акционеров Общества для оповещения о проведении общего собрания акционеров; | 2.1.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш; |
| 2.1.6. внесение на решение общего собрания акционеров вопросов, предусмотренных абзацем вторым части первой статьи 59 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»; | 2.1.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш; |
| 2.1.7. организация установления рыночной стоимости имущества; | 2.1.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш; |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 2.1.8. избрание (назначение) Директора и досрочное прекращение его полномочий; | 2.1.8. Директорни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш; |
| 2.1.9. утверждение годового бизнес-плана Общества; | 2.1.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш; |
| 2.1.10. создание службы внутреннего аудита и назначение её работников, а также ежеквартальное заслушивание её отчетов; | 2.1.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш; |
| 2.1.11. доступ к любым документам, касающимся деятельности исполнительного органа Общества, и получение их от исполнительного органа для исполнения возложенных на Наблюдательный совет Общества обязанностей. Полученные документы могут использоваться Наблюдательным советом Общества и его членами исключительно в служебных целях; | 2.1.11. Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин; |
| 2.1.12. принятие решения о проведении аудиторской проверки (кроме обязательной аудиторской проверки), об определении аудиторской организации, предельном размере оплаты её услуг и заключении (расторжении) с ней договора; | 2.1.12. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш; |
| 2.1.13. принятие решения об оказании благотворительной (спонсорской) или безвозмездной помощи размер, которых превышает, предусмотренного бизнес планом Общества; | 2.1.13. Жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган миқдордан ортиқ хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш; |
| 2.1.14. дача рекомендаций по размеру дивиденда, форме и порядку его выплаты; | 2.1.14. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш; |
| 2.1.15. использование резервного и иных фондов Общества; | 2.1.15. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш; |
| 2.1.16. создание филиалов и открытие представительств Общества; | 2.1.16. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш; |
| 2.1.17. создание дочерних и зависимых хозяйственных обществ Общества; | 2.1.17. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш; |
| 2.1.18. принятие решения о совершении сделок в случаях, предусмотренных главами 8 и 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»; | 2.1.18. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш; |
| 2.1.19. заключение сделок, связанных с участием Общества в коммерческих и некоммерческих организациях, в порядке, установленном законодательством; | 2.1.19. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш; |
| 2.1.20. принятие решения о выкупе корпоративных облигаций Общества; | 2.1.20. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш; |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 2.1.21. решение вопросов по увеличению уставного фонда (уставного капитала) Общества, а также вопросов о внесении изменений и дополнений в устав Общества, связанных с увеличением уставного фонда (уставного капитала) Общества и уменьшением количества объявленных акций Общества; | 2.1.21. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш; |
| 2.1.22. утверждение решения о выпуске ценных бумаг (акций, облигаций) и проспекта эмиссии; | 2.1.22. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш; |
| 2.1.23. внесение изменений и (или) дополнений в решение о выпуске ценных бумаг (акций, облигаций) и проспект эмиссии и утверждение их текста; | 2.1.23. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш; |
| 2.1.24. определение цены размещения (выставления на организованные торги ценными бумагами) акций в соответствии со статьей 34 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»; | 2.1.24. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш; |
| 2.1.25. принятие решения о выпуске Обществом корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции; | 2.1.25. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш; |
| 2.1.26. принятие решения о выпуске производных ценных бумаг; | 2.1.26. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш; |
| 2.1.27. предварительное одобрение размеров, выплачиваемых Директору Общества вознаграждений и (или) компенсаций, а также их предельных размеров; | 2.1.27. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини дастлабки тарзда маъқуллаш; |
| 2.1.28. назначение корпоративного консультанта и утверждение положения, определяющего порядок его деятельности; | 2.1.28. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш; |
| 2.1.29. создание комитетов при Наблюдательном совете и утверждение положений, определяющих порядок их деятельности; | 2.1.29. Кузатув кенгаши қошида қўмиталар тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш; |
| 2.1.30. принятие решений о приобретении или строительстве новых объектов недвижимости, приобретении долей в уставных капиталах хозяйственных обществ и осуществлении дополнительной деятельности, соответствующей основной деятельности Общества; | 2.1.30. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш; |
| 2.1.31. внесение изменений в размеры, параметры и правила предоставления Обществом финансовой помощи субъектам | 2.1.31. Жамият томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдамларни тақдим этишнинг миқдорлари, параметр ва |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| предпринимательства, в том числе внедрение новых видов услуг; | қоидаларига ўзгартириш киритиш, шу жумладан янги хизмат турларини жорий этиш; |
| 2.1.32. приостановление финансовой помощи при низких показателях бизнес-плана и эффективности проектов; | 2.1.32. лойиҳаларнинг бизнес-режа ва самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган ҳолларда молиявий ёрдамларни тўхтатиш; |
| 2.1.33. предварительное одобрение организационной структуры Общества. | 2.1.33. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини дастлабки тарзда маъқуллаш. |
| 2.2. К компетенции Наблюдательного совета Общества может быть отнесено решение и иных вопросов в соответствии с законодательством и уставом Общества. | 2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва Жамият уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин. |
| 2.3. Вопросы, отнесенные к компетенции Наблюдательного совета Общества, не могут быть переданы на решение Директора. | 2.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Директорга ўтказилиши мумкин эмас. |
| ***Раздел III.<br>Состав Наблюдательного совета Общества и порядок избрания его членов*** | ***III - бўлим.<br>Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркиби ва унинг аъзоларини сайлаш тартиби*** |
| 3.1. Количественный состав Наблюдательного совета Общества состоит из 7 (семи) членов, из которых 3 (три) независимых члена. | 3.1. Жамият кузатув кенгашнинг сон таркиби 7 (етти) аъзодан иборат, шундан 3 (учтаси) мустақил аъзолар. |
| 3.2. Члены Наблюдательного совета Общества избираются общим собранием акционеров сроком на три года. | 3.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. |
| 3.3. Лица, избранные в состав Наблюдательного совета Общества, могут переизбираться неограниченно. | 3.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. |
| 3.4. Выборы членов Наблюдательного совета Общества осуществляются кумулятивным голосованием. | 3.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. |
| 3.5. При кумулятивном голосовании число голосов, принадлежащих каждому акционеру, умножается на число независимых и других членов Наблюдательного совета, которые должны быть избраны в Наблюдательный совет Общества, и акционер вправе отдать полученные таким образом голоса полностью за одного кандидата или распределить их между двумя и более кандидатами. | 3.5. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари ва бошқа аъзолари сонига алоҳида кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. |
| 3.6. Избранными в состав Наблюдательного совета Общества считаются кандидаты, набравшие наибольшее число голосов. | 3.6. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади. |
| 3.7. Акционеры при выдвижении и избрании кандидатур в Наблюдательный совет Общества учитывают необходимость наличия в составе Наблюдательного совета Общества 3 (трёх) независимых членов.<br>Кандидаты в независимые члены Наблюдательного совета выдвигаются Наблюдательным советом Общества для | 3.7. Акциядорлар Жамият Кузатув кенгашига номзодларни таклиф этишда ва сайлашда, Кузатув кенгаши таркибида 3 (учта) мустақил аъзолар бўлиши зарурлигини ҳисобга олишади.<br>Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилиши |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| рассмотрения общим собранием акционеров, как правило, на конкурсной основе. | кўриб чиқиши учун, қоида тариқасида, танлов асосида кўрсатилади. |
| 3.8. Независимым членом Наблюдательного совета не может быть: | 3.8. Қуйидагилар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас: |
| 3.8.1. лицо, проработавшее в Обществе и (или) аффилированных лицах Общества в течение последних трех лет; | 3.8.1. сўнгги уч йил ичида Жамиятда ва (ёки) Жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс; |
| 3.8.2. акционер (непосредственно и (или) через аффилированных лиц), владеющий пятью и более процентами голосующих акций Общества; | 3.8.2. Жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор; |
| 3.8.3. лицо, имеющее гражданско-правовые отношения с крупным клиентом и (или) крупным поставщиком Общества и (или) аффилированного лица Общества. При этом крупным клиентом и крупным поставщиком признаются лица, с которыми имеется действующий договор на сумму свыше двух тысяч базовых расчетных величин; | 3.8.3. Жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади; |
| 3.8.4. лицо, имеющее какие-либо договоренности с Обществом и (или) его аффилированными лицами, за исключением договоренностей, связанных с обеспечением выполнения задач и функций члена Наблюдательного совета; | 3.8.4. Жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно; |
| 3.8.5. лицо, состоящее в близком родстве или свойстве (родители, братья, сестры, сыновья, дочери, супруги, а также родители, братья, сестры и дети супругов) с лицом, которое является либо было в течение последних трех лет членом органов управления и внутреннего контроля Общества и (или) аффилированных лиц Общества; | 3.8.5. Жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс; |
| 3.8.6. лицо, входящее в состав Наблюдательного совета Общества в течение шести лет подряд; | 3.8.6. кетма-кет олти йил давомида Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига кирган шахс; |
| 3.8.7. работник аудиторской организации, оказывавший аудиторские услуги Обществу и (или) аффилированным лицам Общества в течение последних трех лет; | 3.8.7. сўнгги уч йил ичида Жамиятга ва (ёки) Жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими; |
| 3.8.8. лицо, являющееся работником органа государственного управления или государственного предприятия; | 3.8.8. давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс; |
| 3.8.9. лицо, не соответствующее требованиям, установленным уставом Общества или документами, утвержденными решениями общего собрания акционеров. | 3.8.9. Жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс. |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 3.9. Общество ведет реестр независимых членов, избранных в состав Наблюдательного совета Общества, и публикует его на своем официальном веб-сайте. | 3.9. Жамият Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади. |
| 3.10. Независимый член Наблюдательного совета Общества в случае изменения своего соответствия требованиям, установленным в пункте 3.8, обязан в течение двух рабочих дней уведомить об этом Общество и Наблюдательный совет. В этом случае в качестве независимого члена приглашается другой кандидат в порядке, установленном настоящим Положением. | 3.10. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзосининг 3.8-бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у Жамиятни ва Кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолатда мазкур Низомда белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади. |
| ***Раздел IV.<br>Председатель<br>Наблюдательного совета Общества*** | ***IV-бўлим.<br>Жамият Кузатув кенгашининг раиси*** |
| 4.1. Председатель Наблюдательного совета Общества избирается членами Наблюдательного совета из его состава большинством голосов от общего числа членов Наблюдательного совета. | 4.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. |
| 4.2. Наблюдательный совет Общества вправе переизбрать своего председателя большинством голосов от общего числа членов Наблюдательного совета. | 4.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли. |
| 4.3. Председатель Наблюдательного совета организует его работу, созывает заседания Наблюдательного совета и председательствует на них, организует на заседаниях ведение протокола, открывает Общее собрание акционеров, входит в состав его Президиума и председательствует на собрании, заключает от имени Общества трудовой договор о найме Директора. | 4.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишини очади, унинг президиуми таркибига киради ва йиғилишда раислик қилади, Директор билан Жамият номидан меҳнат шартномаларни тузади. |
| 4.4. В случае отсутствия председателя Наблюдательного совета его функции осуществляет один из членов Наблюдательного совета. | 4.4. Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади. |
| ***Раздел V.<br>Секретарь Наблюдательного совета*** | ***V-бўлим.<br>Кузатув кенгашининг котиби*** |
| 5.1. Секретарь Наблюдательного совета принимает все необходимые меры для обеспечения деятельности Наблюдательного совета. | 5.1. Кузатув кенгаши фаолиятини таъминлаш учун Кузатув кенгаши котиби барча зарур чораларни кўради. |
| 5.2. В случае отсутствия секретаря Наблюдательного совета его функции осуществляет один из членов Наблюдательного совета либо иное лицо, определенное решением Наблюдательного совета. | 5.2. Кузатув кенгашининг котиби бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири ёхуд Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган бошқа шахс амалга оширади. |
| 5.3. Секретарь Наблюдательного совета: | 5.3. Кузатув кенгашининг котиби: |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 5.3.1. организует подготовку проекта плана работы Наблюдательного совета; | 5.3.1. Кузатув кенгашининг иш режаси лойиҳасини тайёрлашни ташкиллаштиради; |
| 5.3.2. осуществляет прием требований и направление уведомлений о созыве заседания Наблюдательного совета; | 5.3.2. Кузатув кенгаши мажлисларини чақириш тўғрисидаги талабномаларни қабул қилади ва хабарномаларни юборади; |
| 5.3.3. осуществляет рассылку бюллетеней для голосования, документов и материалов к заседаниям Наблюдательного совета в соответствии с пунктами 7.10 и 7.11. настоящего Положения; | 5.3.3. овоз бериш бюллетенларни, Кузатув кенгаши мажлисларига ҳужжатлар ва материалларни мазкур Низомнинг 7.10. ва 7.11. бандларига мувофиқ тарқатади; |
| 5.3.4. осуществляет прием заполненных членами Наблюдательного совета бюллетеней для голосования; | 5.3.4. Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган овоз бериш бюллетенларни қабул қилади; |
| 5.3.5. ведет протоколы заседаний Наблюдательного совета и осуществляет подготовку протоколов по результатам заочного голосования; | 5.3.5. Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларини юритади ва сиртдан овоз бериш натижалари бўйича баённомаларни тайёрлайди; |
| 5.3.6. осуществляет иные функции в соответствии с настоящим Положением, внутренними документами Общества и поручениями председателя Наблюдательного совета. | 5.3.6. мазкур Низомга, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ва Кузатув кенгаши раисининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади. |
| 5.4. Дата получения секретарем Наблюдательного совета документов и материалов, предусмотренных настоящим Положением, считается датой представления их в Наблюдательный совет. | 5.4. Мазкур Низомда назарда тутилган ҳужжатлар ва материаллар Кузатув кенгаши котиби олган сана Кузатув кенгашига тақдим этилган сана деб ҳисобланади**.** |
| ***Раздел VI.<br>План работы Наблюдательного совета*** | ***VI – бўлим.<br>Кузатув кенгашининг иш режаси*** |
| 6.1. Заседания Наблюдательного совета проводятся на основе плана его работы, но не реже одного раза в квартал. План работы Наблюдательного совета формируется в соответствии с предложениями председателя Наблюдательного совета, членов Наблюдательного совета, Директора и службы внутреннего аудита Общества. | 6.1. Кузатув кенгаши мажлислари унинг иш режаси асосида лекин чоракда камида бир марта ўтказилади. Кузатув кенгашининг иш режаси Кузатув кенгаши раиси, Кузатув кенгаши аъзоси, Директори ва Жамиятнинг ички аудит хизмати таклифларига мувофиқ шакллантирилади. |
| 6.2. Предложения в план работы Наблюдательного совета на предстоящий год вносятся не позднее 15 января. | 6.2. Келгуси йилнинг Кузатув кенгашининг иш режасига таклифлар 15 январдан кечиктирмай киритилади. |
| 6.3. Предложение о включении вопроса в план работы Наблюдательного совета должно содержать: | 6.3. Кузатув кенгашининг иш режасига масалаларни киритиш бўйича таклиф: |
| 6.3.1. сведения о лице (органе), внесшем предложение; | 6.3.1. таклифни киритган шахс (орган) ҳақидаги маълумотларни; |
| 6.3.2. формулировку вопросов, предлагаемых на рассмотрение Наблюдательного совета; | 6.3.2. Кузатув кенгаши кўриб чиқишига таклиф этилаётган масалалар таърифини; |
| 6.3.3. пояснительные материалы к вопросам; | 6.3.3. масалаларга изоҳли материалларни; |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 6.3.4. предлагаемые сроки рассмотрения вопроса; | 6.3.4. таклиф этилаётган масалани кўриб чиқиш муддатларини; |
| 6.3.5. подпись лица (руководителя органа), внесшего предложение. | 6.3.5. таклифни киритган шахснинг (орган раҳбарининг) имзосини ўз ичига олиши керак. |
| 6.4. Контроль за подготовкой плана работы осуществляет председатель Наблюдательного совета. | 6.4. Иш режани тайёрланиши назоратини Кузатув кенгаши раиси амалга оширади. |
| 6.5. План работы утверждается Наблюдательным советом по представлению председателя Наблюдательного совета. | 6.5. Иш режа Кузатув кенгаши раисининг таклифига кўра Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. |
| ***Раздел VII. Созыв заседаний Наблюдательного совета*** | ***VII – бўлим. Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш*** |
| 7.1. Заседание Наблюдательного совета созывается председателем Наблюдательного совета по его собственной инициативе, по требованию члена Наблюдательного совета, Директора или начальника службы внутреннего аудита Общества. | 7.1. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзосининг, Директор ёки ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади. |
| 7.2. Акционеры (акционер), являющиеся в совокупности владельцами не менее чем одного процента голосующих акций Общества вправе требовать созыва заседания Наблюдательного совета Общества. | 7.2. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли. |
| 7.3. Требование о проведении заседания Наблюдательного совета должно содержать: | 7.3. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабнома: |
| 7.3.1. сведения о лице (органе), предъявившем требование; | 7.3.1. таклифни киритган шахс (орган) ҳақидаги маълумотларни; |
| 7.3.2. формулировку вопросов повестки дня заседания; | 7.3.2. мажлис кун тартиби масалаларининг таърифини; |
| 7.3.3. мотивы постановки данных вопросов; | 7.3.3. ушбу масалаларни қўйиш сабабларини; |
| 7.3.4. документы и иные материалы, необходимые для рассмотрения вопросов; | 7.3.4. масалаларни кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатларни ва бошқа материалларни; |
| 7.3.5. подпись лица (руководителя органа), требующего созыва заседания; | 7.3.5. мажлис чақирилишини талаб қилган шахснинг (орган раҳбарининг) имзосини; |
| 7.3.6. выписка со счета депо акционера, требующего созыва заседания. | 7.3.6. мажлис чақирилишини талаб қилган акциядорнинг депо ҳисоб варағида кўчирмани ўз ичига олиши керак. |
| 7.4. Лицо, внесшее требование, может предложить дату проведения заседания Наблюдательного совета и проект решения по соответствующему вопросу повестки дня. | 7.4. Талабномани киритган шахс Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш санасини ва кун тартибидаги тегишли масалалар бўйича қарорлар лойиҳасини таклиф қилиши мумкин. |
| 7.5. Требование о созыве заседания, содержащее дату проведения заседания, предъявляется в Наблюдательный совет не позднее, чем за 15 календарных дней до предложенной даты, за исключением требований по вопросам неотложного характера. | 7.5. Мажлис ўтказиш санасини ўз ичига олган мажлисни чақириш тўғрисидаги талабнома таклиф этилган санага қадар 15 календар кундан кечиктирмай Кузатув кенгашига тақдим этилади, кечиктириб бўлмайдиган хусусиятга эга масалалар бўйича талабномалар бундан мустасно. |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 7.6. В течение 5 календарных дней со дня предъявления требования о созыве заседания Наблюдательного совета председатель Наблюдательного совета принимает одно из следующих решений: | 7.6. Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги талабнома тақдим этилган кундан бошлаб 5 календар кун мобайнида Кузатув кенгашининг раиси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: |
| 7.6.1. о созыве заседания Наблюдательного совета и включении вопроса в повестку дня очередного заседания в течение 15 календарных дней, если законодательством не установлен иной срок для принятия решения по внесенному вопросу; | 7.6.1. агар қонун ҳужжатларида киритилган масала бўйича қарор қабул қилиш учун бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 15 календар кун мобайнида Кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва навбатдаги мажлис кун тартибига масалани киритиш тўғрисида; |
| 7.6.2. об отказе в созыве заседания, и информирует об этом членов Наблюдательного совета, Директора Общества и лицо (руководителя органа), предъявившее требование. | 7.6.2. мажлис чақирилишини рад этиш тўғрисида ва бу ҳақда Кузатув кенгаши аъзоларини, Жамиятнинг Директорини ҳамда талабнома тақдим этган шахсни (орган раҳбарини) хабардор қилади. |
| 7.7. Председатель Наблюдательного совета вправе отказать в созыве заседания Наблюдательного совета, если вопрос внесен неуполномоченным лицом или не относится к компетенции Наблюдательного совета, а также, если требование о созыве заседания Наблюдательного совета не содержит сведений, предусмотренных подпунктами 7.3.1. - 7.3.6. настоящего Положения. | 7.7. Кузатув кенгаши раиси агар масала ваколатланмаган шахс томонидан киритилган бўлса ёки Кузатув кенгаши ваколатига кирмаса, шунингдек агар Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги талабномада мазкур Низомнинг 7.3.1.-7.3.6. кичик бандларида назарда тутилган маълумотлар бўлмаса Кузатув кенгаши мажлиси чақирилишини рад этишга ҳақли. |
| 7.8. Председатель Наблюдательного совета обязан созывать заседания Наблюдательного совета: | 7.8. Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши мажлисларини: |
| 7.8.1. для рассмотрения предложений акционеров о внесении вопросов в повестку дня годового Общего собрания акционеров и выдвижении кандидатов в органы управления и контроля Общества; | 7.8.1. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалаларни киритиш ва Жамиятнинг бошқарув ҳамда назорат органларига номзодларни қўйиш тўғрисидаги акциядорларнинг таклифларини кўриб чиқиш учун; |
| 7.8.2. для принятия решения о созыве годового Общего собрания акционеров и решений по иным вопросам, связанным с его созывом и проведением, предусмотренным законодательством, внутренними нормативными документами Общества; | 7.8.2. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ва уни чақириш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликда, Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича қарорларни қабул қилиш учун; |
| 7.8.3. для утверждения годового отчета Общества; | 7.8.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун; |
| 7.8.4. для проведения внеочередного Общего собрания акционеров по вопросу избрания нового состава Наблюдательного совета Общества; | 7.8.4. Кузатув кенгашини янги таркибда сайлаш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун; |
| 7.8.5. для избрания (переизбрания) Директора Общества. | 7.8.5. Жамият Директорини сайлаш (қайта сайлаш) учун чақиришга мажбур. |
| 7.9. Повестка дня очередного заседания Наблюдательного совета формируется и | 7.9. Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлисининг кун тартиби Кузатув |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| утверждается председателем Наблюдательного совета на основе плана работы Наблюдательного совета, а также требований лиц (органов) о созыве заседания, поступивших в соответствии с действующим законодательством и настоящим Положением. | кенгашининг раиси томонидан Кузатув кенгашининг иш режасига, шунингдек амалдаги қонунчилик ва мазкур Низомга мувофиқ мажлисни чақириш тўғрисидаги шахсларнинг (органларнинг) келиб тушган талабномаларига асосан шакллантирилади ва тасдиқланади. |
| 7.10. Не позднее, чем за 10 календарных дней до даты заседания Наблюдательного совета председатель Наблюдательного совета направляет всем членам Наблюдательного совета письменное уведомление о созыве заседания Наблюдательного совета с указанием: | 7.10. Кузатув кенгаши мажлис санасидан камида 10 календар кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши раиси барча Кузатув кенгаши аъзоларига Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги қуйидагиларни акс этган ҳолда ёзма хабарнома юборади: |
| 7.10.1. даты, места и времени заседания (в случае проведения заседания в очной форме); | 7.10.1. мажлис санаси, жойи ва вақтини (мажлис бевосита қатнашиш йўли билан ўтказилаётган ҳолатида); |
| 7.10.2. списка лиц, приглашенных на заседание (в случае проведения заседания в очной форме); | 7.10.2. мажлисга таклиф этилган шахслар рўйхатини (мажлис бевосита қатнашиш йўли билан ўтказилаётган ҳолатида); |
| 7.10.3. вопросов повестки дня заседания. | 7.10.3. мажлиснинг кун тартибидаги масалаларни. |
| 7.11. К уведомлению прилагаются: | 7.11. Хабарномага: |
| 7.11.1. проекты решений Наблюдательного совета; | 7.11.1. Кузатув кенгаши қарорларининг лойиҳалари; |
| 7.11.2. обоснования необходимости принятия предложенного решения; | 7.11.2. таклиф этилган қарорнинг қабул қилиш зарурлиги асослари; |
| 7.11.3. документы и иные информационные материалы; | 7.11.3. ҳужжатлар ва бошқа информацион материаллар; |
| 7.11.4. бюллетень для голосования (в случае проведения заседания путем заочного голосования) с указанием даты представления в Наблюдательный совет заполненного бюллетеня. | 7.11.4. тўлдирилган бюллетенни Кузатув кенгашига тақдим этиш санасини кўрсатган ҳолда овоз бериш бюллетени илова қилинади (мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилаётган ҳолатида). |
| 7.12. Письменные уведомления направляются членам Наблюдательного совета посредством почтовой, факсовой, телеграфной, телетайпной, электронной или иных средств связи. | 7.12. Ёзма хабарномалар Кузатув кенгаши аъзоларига почта, факс, телеграф, телетайп, электрон ва бошқа алоқа воситалари орқали юборилади. |
| 7.13. Проект решения Наблюдательного совета и материалы конфиденциального характера, содержащие сведения, составляющие коммерческую или служебную тайну, представляются на рассмотрение Наблюдательного совета с грифом «конфиденциально». | 7.13. Хизмат ва тижорат сирини ташкил этадиган ахборотларни ўз ичига олган махфий характерга эга Кузатув кенгаши қарорлари лойиҳаси ва материаллар Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун “махфий” (“конфиденциал”) грифи билан тақдим этилади. |
| ***Раздел VIII.<br>Порядок проведения заседаний Наблюдательного совета*** | ***VIII – бўлим.<br>Кузатув кенгашининг мажлисларини ўтказиш тартиби*** |
| 8.1. Кворум для проведения заседания Наблюдательного совета определяется | 8.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| Уставом Общества, но должен быть не менее 75% от числа избранных членов Наблюдательного совета.<br>При этом, члены Наблюдательного совета Общества участвующие на заседании посредством видео конференц-связи или системы e-vote признаются присутствующими на заседании Наблюдательного совета. | уставида белгиланади, бироқ у Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоиздан кам бўлмаслиги керак.<br>Бунда, видео-конференц алоқа ёки e-vote тизими орқали мажлисда қатнашаётган Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этган деб ҳисобланади. |
| 8.2. В случае, когда количество членов Наблюдательного совета становится менее 75% количества, предусмотренного Уставом, Общество обязано созвать внеочередное общее собрание акционеров для избрания нового состава Наблюдательного совета Общества. | 8.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. |
| 8.3. При решении вопросов на заседании Наблюдательного совета Общества каждый член Наблюдательного совета обладает одним голосом. | 8.3. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. |
| 8.4. Решения на заседании Наблюдательного совета Общества принимаются большинством голосов присутствующих, если настоящим Положением, законодательством или уставом Общества, определяющим порядок созыва и проведения заседания Наблюдательного совета, не предусмотрено иное. | 8.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ушбу Низомда, қонун ҳужжатларида ёки Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. |
| 8.5. По следующим вопросам решения Наблюдательного совета принимаются единогласно, всеми избранными членами Наблюдательного совета: | 8.5. Қуйидаги масалалар бўйича Кузатув кенгаши қарорлари барча сайланган Кузатув кенгаши аъзоларининг бир овоздан қабул қилинади: |
| 8.5.1. включение в повестку дня общего собрания акционеров вопросов о реорганизации или ликвидации Общества, назначении ликвидационной комиссии; | 8.5.1. акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш; |
| 8.5.2. увеличение уставного фонда (уставного капитала) Общества, внесение изменений и дополнений в устав Общества, связанных с увеличением уставного фонда (уставного капитала) Общества и уменьшением количества объявленных акций Общества; | 8.5.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; |
| 8.5.3. решения, принимаемые заочным голосованием (опросным путем); | 8.5.3. сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган қарорлар; |
| 8.5.4. выпуск корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции; | 8.5.4. корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш; |
| 8.5.5. решения о совершении сделок в случаях, предусмотренных главами 8 и 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»; | 8.5.5. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 бобларида |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| | назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар; |
| 8.6. По следующим вопросам решения Наблюдательного совета принимаются большинством в три четверти голосов (квалифицированным большинством), принимающих участие в голосовании членов Наблюдательного совета: | 8.6. Қуйидаги масалалар бўйича Кузатув кенгаши қарорлари овоз беришда қатнашаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади: |
| 8.6.1. об отказе в созыве внеочередного Общего собрания акционеров; | 8.6.1. акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини рад этиш; |
| 8.6.2. об отказе от включения вопроса в повестку дня Общего собрания акционеров либо кандидата в список кандидатур для голосования по выборам в Наблюдательный совет Общества. | 8.6.2. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масалани ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш. |
| 8.7. Члены Наблюдательного совета должны принимать участие в заседаниях лично. | 8.7. Кузатув кенгаши аъзолари мажлисларда шахсан иштирок этиши шарт. |
| 8.8. Член Наблюдательного совета, изъявивший желание принять участие на заседании в режиме видеоконференцсвязи, должен за два дня до даты проведения заседания уведомить об этом председателя Наблюдательного совета. | 8.8. Мажлисда видеоконференцалоқа орқали қатнашиш истагини билдирган Кузатув кенгаши аъзоси мажлис ўтказиладиган санага қадар икки кун олдин Кузатув кенгаши раисини бу ҳақда хабардор қилиши керак. |
| 8.9. Каждый член Наблюдательного совета обладает одним голосом. Передача права голоса членом Наблюдательного совета иному лицу, в том числе другому члену Наблюдательного совета, не допускается. | 8.9. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бир битта овозга эга бўлади. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини бошқа шахсга шу жумладан Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. |
| 8.10. В случае равенства голосов членов Наблюдательного совета решающим является голос председателя Наблюдательного совета. | 8.10. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи бўлади. |
| 8.11. Член Наблюдательного совета, выполняющий функции председателя Наблюдательного совета в его отсутствие, правом решающего голоса на заседаниях Наблюдательного совета не обладает. | 8.11. Кузатув кенгаши раиси йўқлигида унинг функцияларини бажарувчи Кузатув кенгашининг аъзоси Кузатув кенгаши мажлисида ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлмайди. |
| ***Раздел IX.<br>Порядок заочного голосования*** | ***IX – бўлим.<br>Сиртдан овоз бериш тартиби*** |
| 9.1. Решения Наблюдательного совета могут быть приняты заочным голосованием (опросным путем) всеми членами Наблюдательного совета единогласно. | 9.1. Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. |
| 9.2. Решение о проведении заочного голосования принимает председатель Наблюдательного совета. | 9.2. Сиртдан овоз беришни ўтказиш бўйича қарор Кузатув кенгашининг раиси қабул қилади. |
| 9.3. Для проведения заочного голосования всем членам Наблюдательного совета направляются уведомления о проведении заочного голосования, отвечающие требованиям пунктов 7.10., 7.11. и подпунктов | 9.3. Сиртдан овоз беришни ўтказиш учун Кузатув кенгаши аъзоларининг барчасига мазкур Низомнинг 7.10., 7.11. бандлари ва 7.10.1. – 7.10.3., 7.11.1. – 7.11.4. кичик бандлар талабларига жавоб берадиган сиртдан овоз |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 7.10.1. - 7.10.3, 7.11.1. – 7.11.4. настоящего Положения. | беришни ўтказиш тўғрисида хабарнома юборилади. |
| 9.4. Бюллетени для голосования должны содержать указание на дату представления заполненного бюллетеня в Наблюдательный совет. | 9.4. Овоз бериш бюллетенларида Кузатув кенгашига тўлдирилган бюллетенни тақдим этиш санаси тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак. |
| 9.5. Уведомления о проведении заочного голосования направляются членам Наблюдательного совета не позднее, чем за 5 календарных дней до установленной даты представления заполненного бюллетеня в Наблюдательный совет. | 9.5. Кузатув кенгашига тўлдирилган бюллетенни тақдим этилиши белгиланган санасидан камида 5 календар кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши аъзоларига сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисидаги ёзма хабарнома юборилади. |
| 9.6. Заполненные и собственноручно подписанные членами Наблюдательного совета бюллетени для голосования представляются секретарю Наблюдательного совета. | 9.6. Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган ва ўз қўли билан имзоланган овоз бериш бюллетенлари Кузатув кенгаши котибга топширилади. |
| 9.7. При подсчете голосов учитываются голоса членов Наблюдательного совета, представивших в установленный срок заполненный бюллетень для голосования. | 9.7. Овозларни ҳисоблашда тўлдирилган овоз бериш бюллетенини белгиланган муддатда тақдим этган Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари ҳисобга олинади. |
| 9.8. При голосовании засчитываются голоса по тем вопросам, по которым голосующим оставлен только один из возможных вариантов голосования. Бюллетени для голосования, заполненные с нарушением указанного требования, признаются недействительными и голоса по содержащимся в них вопросам не подсчитываются. В случае, если бюллетень для голосования содержит несколько вопросов, поставленных на голосование, несоблюдение требования, указанного в настоящем пункте в отношении одного или нескольких вопросов, не влечет за собой признания бюллетеня для голосования недействительным в целом. | 9.8. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур бандда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди. |
| 9.9. По итогам заочного голосования составляется протокол заседания Наблюдательного совета. | 9.9. Сиртдан овоз бериш якунларига кўра Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси тузилади. |
| ***Раздел X.<br>Порядок оформления решений Наблюдательного совета*** | ***X - бўлим.<br>Кузатув кенгаши қарорларини расмийлаштириш тартиби*** |
| 10.1. На заседании Наблюдательного совета секретарем Наблюдательного совета ведется протокол. | 10.1. Кузатув кенгашининг мажлисида Кузатув кенгаши котиби томонидан баённома юритилади. |
| 10.2. Протокол заседания Наблюдательного совета оформляется не позднее 10 календарных дней со дня проведения заседания. | 10.2. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилган кундан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. |
| 10.3. В протоколе заседания указываются: | 10.3. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: |
| 10.3.1. дата, место и время его проведения; | 10.3.1. мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой; |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 10.3.2. лица, участвующие в заседании, в том числе дистанционно с использованием информационно-коммуникационных технологий; | 10.3.2. мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар; |
| 10.3.3. повестка дня заседания; | 10.3.3. мажлиснинг кун тартиби; |
| 10.3.4. вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним; | 10.3.4. овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; |
| 10.3.5. принятые решения. | 10.3.5. қабул қилинган қарорлар. |
| 10.4. При принятии Наблюдательным советом решений заочным голосованием в протоколе заседания (заочного голосования) указываются: | 10.4. Кузатув кенгаши томонидан қарорлар сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинганда (сиртдан овоз бериш) мажлис баённомасида: |
| 10.4.1. дата составления протокола; | 10.4.1. баённома тузилган сана; |
| 10.4.2. члены Наблюдательного совета, представившие к этой дате подписанные бюллетени для голосования; | 10.4.2. ушбу санага имзоланган овоз бериш бюллетенларини тақдим этган Кузатув кенгаши аъзолари; |
| 10.4.3. повестка дня; | 10.4.3. кун тартиби; |
| 10.4.4. вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним; | 10.4.4. овоз беришга қўйилган масалалар, ва улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; |
| 10.4.5. принятые решения. | 10.4.5. қабул қилинган қарорлар кўрсатилади. |
| 10.5. Протокол заседания (заочного голосования) оформляется не позднее 10 календарных дней с даты, установленной для представления заполненных бюллетеней. | 10.5. Мажлис баённомаси (сиртдан овоз бериш) тўлдирилган бюллетенларни тақдим этиш учун белгиланган санасидан сўнг ўн календар кундан кечиктирмай тузилади. |
| 10.6. Протокол заседания Наблюдательного совета подписывается участвующими в заседании членами Наблюдательного совета Общества, которые несут ответственность за правильность оформления протокола. | 10.6. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. |
| 10.7. Протокол заседания Наблюдательного совета также считается подписанным всеми членами Наблюдательного совета при наличии подписанной бюллетени, который является неотъемлемой частью протокола и приобщается к нему. В данном случае протокол подписывается председателем и секретарем Наблюдательного совета. | 10.7. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси баённоманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва унга илова қилинган имзоланган бюллетен мавжуд бўлган ҳолларда барча Кузатув кенгаши аъзолари томонидан хам имзоланган деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда баённома Кузатув кенгаши раиси ва котиби томонидан имзоланади. |
| 10.8. Протокол заседания Наблюдательного совета передается для исполнения Директору Общества в день его подписания. В случае принятия Наблюдательным советом Общества решения о созыве общего собрания акционеров информация о данном решении передается Директору Общества в день проведения данного заседания. | 10.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Директорига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг Директорига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади. |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| 10.9. Протоколы заседаний Наблюдательного совета представляются службе внутреннего аудита Общества по его запросам. | 10.9. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомалари Жамиятнинг ички аудит хизматига унинг талабига кўра тақдим этилади. |
| ***Раздел XI.<br>Права и обязанности<br>членов Наблюдательного совета*** | ***XI – бўлим.<br>Кузатув кенгаши аъзоларининг<br>ҳуқуқ ва мажбуриятлари*** |
| 11.1. Член Наблюдательного совета имеет право: | 11.1. Кузатув кенгаши аъзоси: |
| 11.1.1. лично принимать участие в заседании Наблюдательного совета, выступать по обсуждаемому на заседании вопросу в пределах отведенного регламентом времени; | 11.1.1. Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш; |
| 11.1.2. получать всю необходимую информацию о деятельности Общества и планах её развития за определенный период времени; | 11.1.2. муайян давр учун Жамият фаолияти ва уни ривожлантириш режалари тўғрисидаги барча зарур бўлган маълумотларни олиш; |
| 11.1.3. получать вознаграждение и (или) компенсацию расходов за работу в Наблюдательном совете в порядке, установленном настоящим Положением; | 11.1.3. мазкур низомда белгиланган тартибда Кузатув кенгашида ишлаганлиги учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш; |
| 11.1.4. иные права, предусмотренные законодательством и уставом Общества. | 11.1.4. қонун ҳужжатлари ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга. |
| 11.2. Функции между членами Наблюдательного совета распределяются председателем Наблюдательного совета конкретно для каждого члена Наблюдательного совета. | 11.2. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ тақсимланади. |
| 11.3. Члены Наблюдательного совета при осуществлении своих прав и исполнении обязанностей должны:<br>проявлять усердие – действовать добросовестно и со рвением;<br>проявлять лояльность и не допускать конфликта интересов – в первую очередь действовать в интересах Общества;<br>проявлять должную осмотрительность – проявлять осторожность при принятии решений в отношении Общества;<br>использовать независимое суждение – принимать решения независимо, без учета личных интересов;<br>не разглашать ставшую известной им конфиденциальную информацию и документацию Общества, составляющую служебную или коммерческую тайну. | 11.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда:<br>жонкуярликни намоён қилиш - виждонан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилишни;<br>содиқликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик - биринчи навбатда, Жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишни;<br>лозим даражада кўздан кечиришликни намоён қилиш – Жамиятга нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашишни;<br>мустақил мулоҳазадан фойдаланиш - қарорларни мустақил, шахсий манфаатларни инобатга олмаган ҳолда қабул қилишни;<br>хизмат ва тижорат сирини ташкил этадиган уларга маълум бўлган конфиденциал маълумотларни ва ҳужжатларни ошкор этмаслигни талаб этилади. |
| 11.4. Члены Наблюдательного совета не должны использовать свое положение и | 11.4. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мавқеини ва Жамият фаолияти ҳақида олинган |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| полученную информацию о деятельности Общества в личных интересах, а также допускать их использование в личных интересах другими лицами. | маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шунингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл қўймасликлари лозим. |
| 11.5. Члены Наблюдательного совета обязаны лично принимать участие в заседаниях Наблюдательного совета. Если присутствие на заседании невозможно, член Наблюдательного совета уведомляет об этом Наблюдательный совет с указанием причин. | 11.5. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашишлари лозим. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса Кузатув кенгаши аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда Кузатув кенгашини бу ҳақда хабардор қилади. |
| 11.6. Член Наблюдательного совета, являющийся аффилированным лицом обязан информировать Общество о своей аффилированности в совершении Обществом сделки путем направления письменного уведомления с подробным указанием сведений о предполагаемой сделке, включая сведения об участвующих в сделке лицах, предмете сделки, существенных условиях соответствующего договора. | 11.6. Аффилланган шахс бўлган Кузатув кенгаши аъзоси Жамият билан битим тузишда ўзининг аффилланганлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт. |
| 11.7. Вышеназванный член Наблюдательного совета Общества не вправе участвовать в обсуждении и не имеет права голоса при принятии Наблюдательным советом Общества решения по этой сделке. | 11.7. Юқорида қайд этилган Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Жамиятнинг Кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. |
| 11.8. Признание члена Наблюдательного совета Общества аффилированным лицом в совершении Обществом сделки осуществляется в соответствии с требованиями Главы 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров». | 11.8. Жамият битим тузишда Жамият Кузатув кенгаши аъзоси аффиланган шахс эканлигини эътироф этиш Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9 боби талабларига мувофиқ амалга оширилади. |
| 11.9. Член наблюдательного совета обязан сообщать наблюдательному совету Общества сведения о наличии существенной заинтересованности (прямой, косвенной или от имени третьих лиц) в заключении какой-либо сделки или в каком-либо вопросе, непосредственно касающемся Общества. | 11.9. Кузатув кенгаши аъзоси ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли ҳар қандай масалада муҳим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни Жамият Кузатув кенгашига етказишга мажбур. |
| 11.10. Независимый член Наблюдательного совета Общества наряду с другими членами Наблюдательного совета имеет равные права и обязанности, установленные законодательством и локальными нормативными актами Общества. | 11.10. Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда қонунчиликда ва Жамиятнинг ички норматив актларида белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга. |
| ***Раздел XII.<br>Ответственность<br>членов Наблюдательного совета*** | ***XII – бўлим.<br>Кузатув кенгаши аъзоларининг<br>жавобгарлиги*** |
| 12.1. Члены Наблюдательного совета Общества при осуществлении своих прав и | 12.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| выполнении своих обязанностей должны действовать в интересах Общества и несут ответственность перед Обществом в соответствии с законодательством и уставом Общества. | мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига кўра Жамият олдида жавобгардир. |
| 12.2. В случае, если ответственность несут несколько лиц, их ответственность перед Обществом является солидарной. | 12.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. |
| 12.3. Не несут ответственности члены Наблюдательного совета, не принимавшие участия в голосовании или голосовавшие против решения, которое повлекло причинение Обществу убытков. | 12.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди. |
| 12.4. Общество или акционер (акционеры), владеющий в совокупности не менее чем одним процентом размещенных акций Общества, вправе обратиться в суд с иском к члену Наблюдательного совета о возмещении убытков, причиненных Обществу. | 12.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли. |
| 12.5. Полномочия члена Наблюдательного совета Общества могут быть прекращены по решению суда, с запретом на занятие руководящей должности в хозяйственных обществах на срок не менее одного года, в случае признания судом его виновным в причинении имущественного вреда Обществу. | 12.5. Суд Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзосини Жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин. |
| 12.6. Член наблюдательного совета Общества может быть привлечен к ответственности за ущерб, причиненный Обществу в результате предоставления информации, вводящей в заблуждение, или заведомо ложной информации либо предложения к заключению и (или) принятию решений о заключении крупной сделки и (или) сделки с аффилированными лицами с целью получения ими, либо их аффилированными лицами прибыли (дохода). | 12.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси Жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин. |
| ***Раздел XIII.<br>Комитеты Наблюдательного совета*** | ***XIII – бўлим.<br>Кузатув кенгаши қўмиталари*** |
| 13.1. Наблюдательный совет Общества в целях обеспечения принятия обоснованных и эффективных решений вправе создавать временные и постоянно действующие комитеты по соответствующим вопросам, в том числе для выявления и решения конфликтных ситуаций. | 13.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши асосли ва самарали қарорларни қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, шу жумладан низоли ҳолатларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун тегишли масалалар бўйича доимий ва вақтинча фаолият юритувчи қўмиталар тузишга ҳақли. |
| 13.2. Основными функциями комитетов являются предварительное всестороннее изучение вопросов, относящихся к | 13.2. Қўмиталарнинг асосий функциялари уларнинг фаолият йўналиши бўйича Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалаларни |

| Редакция положения на русском языке | Низомнинг давлат тилидаги таҳрири |
|---|---|
| компетенции Наблюдательного совета Общества, по направлениям их деятельности и подготовка рекомендаций для Наблюдательного совета. | дастлаб хар томонлама ўрганиш ва Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш. |
| 13.3. Комитеты Наблюдательного совета Общества формируются из числа членов Наблюдательного совета Общества. Порядок функционирования и полномочия комитетов устанавливаются решением Наблюдательного совета Общества об их создании. | 13.3. Жамият Кузатув кенгашининг қўмиталари Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларидан шакллантирилади. Қўмиталар ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби уларни ташкил этиш тўғрисидаги Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади. |
| 13.4. Комитеты действуют в соответствии с требованиями законодательства Республики Узбекистан, уставом и внутренними положениями Общества, а также решениями общего собрания акционеров и Наблюдательного совета Общества. | 13.4. Қўмиталар Ўзбекитсон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг устави ва ички низомлари, ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ ҳаракат қилади. |
| ***Раздел XIV.<br>Оценка деятельности Наблюдательного совета, вознаграждения и компенсации*** | ***XIV – бўлим.<br>Кузатув кенгаши фаолиятини баҳолаш, мукофотлаш ва компенсациялар*** |
| 14.1. За работу в Наблюдательном совете независимые члены Наблюдательного совета получает ежеквартальное вознаграждение в размере 25 минимальных размеров оплаты труда. | 14.1. Кузатув кенгашидаги иши учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига ҳар чоракда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 25 баравари миқдорида мукофот пули олади. |
| 14.2. Расходы, связанные с исполнением членами наблюдательных советов своих функций, компенсируются по решению общего собрания акционеров. | 14.2. Кузатув кенгашлари аъзолари томонидан ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан қопланади. |
| ***Раздел XV.<br>Заключительные положения*** | ***XV – бўлим.<br>Якуний қоидалар*** |
| 15.1. Настоящее Положение вступает в силу со дня его утверждения Общим собранием акционеров. | 15.1. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан этиборан кучга киради. |
| 15.2. В случае если одно из правил настоящего Положения утратило силу, это правило не является причиной для приостановления других правил. | 15.2. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди. |
| 15.3. Если законодательством Республики Узбекистан, либо уставом Общества установлены иные положения, чем предусмотрено настоящим Положением, то применяются правила законодательства Республики Узбекистан и устава Общества. | 15.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёхуд Жамият уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади. |